Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 1 апрель, шанба • №25 (11.210) • Эркин нархда сотилади

*Вилоят ҳокимлигида*

## МУҲОКАМАДА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ

***Қўшма корхоналарни барпо этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бу соҳадаги ишлар кўлами ва самарасини кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда.***

Республикамиз Президенти Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида чет эл сармоядорлари билан бирга қўшма корхоналарни барпо этиш йўлидан изчил бориш зарурлигини таъкидлади. Чунки, уларни ташкил этиш хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш асосида илғор технология ва замонавий техника асбоб-ускуналарини кенг жорий қилиш мақсадига қаратилгандир.

Вилоятимизда қўшма корхоналар сони тобора кўпайиб бормоқда. Жорий йилнинг бошига келиб чет эл инвестициялари билан ташкил этилган 168та қўшма корхона рўйхатга олинди. Уларнинг 116таси ишлаб турипти, 24таси шаклланиш босқичида, 28та қўшма корхона вақтинча ишламаяпти. Биргина ўтган йили янги 9та қўшма корхона рўйхатга олинди. Хўш уларнинг бугунги аҳволи қандай?

Кеча вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда вилоятимиздаги қўшма корхоналар фаолияти атрофлича муҳокама қилинди, бу соҳада эришилган муайян ютуқлар қайд қилиниб, асосий эътибор йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилди. Бундай корхоналар фаолиятини янада яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилди, таклифлар ўртага ташланди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳамидулла Асатов бошқарди. Унда вилоят ҳокимлигининг қатор бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг етакчи ходимлари, банк тизимлари вакиллари, қўшма корхоналар раҳбарлари қатнашдилар.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тадбирлар белгиланди.

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР АНЖУМАНИ

***Ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол инсон этиб тарбиялаш, истеъдодини тўғри йўналтириш ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.***

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан 28-30 март кунлари Тошкентдаги ўқувчилар саройида ўтказилган "Иқтидорли болалар" тўққизинчи анъанавий республика анжумани шу йўлдаги яна бир қадам бўлди.

Бу ерда туман, шаҳар, вилоят миқёсида ўтказилган анжуманларда ғолибликни қўлга киритган 120 нафар иқтидорли ўқувчи халқ амалий санъатининг саккиз йўналиши бўйича ўз ижод намуналарини намойиш этди. Зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, мумтоз шарқ рангтасвири йўналишларида ғолиб деб топилган ўқувчиларга Халқ таълими вазирлиги ҳамда Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармасининг диплом ва совғалари топширилди.

**(ЎзА).**

## ВИЛОЯТ ҳаёти

### ДИВИДЕНДЛАР ТАРҚАТИЛМОҚДА

***"Вилоятюктранс" концернига қарашли акциядорлик жамиятларида ўтган йилги фаолият якунига кўра дивидендлар тарқатила бошланди.***

Концернда бу кўрсаткич бўйича Янгибозордаги 121-, Алимкентдаги 46-акциядорлик автокорхоналари яхши натижаларга эришдилар.

Хусусан, Янгибозордаги 121-акциядорлик автокорхонасида нархи 200 сўмлик ҳар бир акцияга 652 сўмдан дивиденд тўғри келди. Ҳиссадорлик жамиятида 50тадан бошлаб 100 тагача акция олганлар борлиги, бундан ташқари, эркин акциялар ходимлар ва ишчиларнинг оила аъзоларига сотилганлиги ҳисобга олинса, корхонадан ҳар бир акциядор катта манфаат кўрганлиги янада равшанлашади.

**Саид АҲМЕДОВ.**

### МУРУВВАТИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

***БЕКОБОД туманида Жанубий Кореянинг "Клодечек" халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда хайрия тадбири ўтказилди.***

Унда иштирок этган 200 нафар нуронийларнинг ҳар бирига 5 минг сўмдан ёрдам кўрсатилди. 50дан ортиқ кам таъминланган оилаларга эса, 500 минг сўмлик турли совғалар ҳадя этилди.

Отахонлар саховат соҳиби бўлган ўнлаб корхона, ташкилот ва жамғарма раҳбарларига миннатдорчилик билдирдилар, улар ҳақига дуо қилдилар.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

### МУНОЗАРАДА АЁЛЛАР

***ЗАНГИОТА туманида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Аёл ва жамият" институти ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси биргаликда ўқув-семинар ўтказдилар.***

Унда тумандаги маҳаллалар хотин-қизлар қўмиталари раислари, мактабларнинг директорлари ва илмий бўлим мудирлари қатнашдилар. "Маҳаллада аёл ва дин" мавзусидаги бу мунозара ва баҳсларга бой бўлган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова, Тошкент вилояти ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Хўжаева, "Аёл ва жамият" институти директори Л.Н.Муравьева, "Ҳадичаи Кубро" хотин-қизлар мадрасаси раҳбари М.Нурмуҳамедовалар иштирок этиб, йиғилганларнинг турли саволларига батафсил жавоб бердилар.

Бундай семинарлар вилоятимизнинг барча туманлари ва шаҳарларида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

### САҲОВАТ ЧЕГАРА БИЛМАС

***Тошкент вилояти ҳокимлиги оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятининг кўчма меҳр-мурувват гуруҳи "Қизил Ярим ой" жамияти, "Наврўз", "Соғлом авлод учун", "Болалар", "Маҳалла" жамғармалари вилоят бўлимлари билан биргаликда Янгийўл шаҳрида хайрия тадбири ўтказдилар.***

Шу куни 100дан ортиқ кам таъминланган, ёлғиз қариялар, ногирон ҳамда боқувчисини йўқотган етим-есирлар "Мамлакат" ресторанига йиғилдилар. Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг нашри бўлган "Аёл олами" газетаси муҳаррири К.Қамбарова Наврўз байрами билан барчани қутлади. Янгийўл шаҳридаги тадбиркор аёллар ихлос билан безаган тўкин дастурхон атрофида қизғин суҳбатлар давом этди. Хусусан, санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганларга жуда манзур бўлди.

Шу куни ҳаммага жамғармаларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди. Тадбирда вилоят ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитасининг раиси С.Хўжаева иштирок этди.

Бундай тадбирлар Бекобод шаҳри ва туманида ҳам бўлиб ўтди.

**Г.ЮНУСОВА.**

## *МЕҲНАТ БОЗОРИ САМАРАСИ*

Бўстонлиқ туманида истиқомат қилаётган 50 нафар фуқаро шу ҳудуддаги корхона ва хўжаликларда доимий ишлайдиган бўлди. Беш нафар қиз эса ҳунармандларга шогирд тушди. Туман ҳокимлиги меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этган меҳнат бозори – касблар ярмаркаси ана шундай натижа берди. Унда тумандаги 45та корхона ва ташкилот қатнашди.

**Н.ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.**

## МАКТАБЛАР ВА БОҒЧАЛАР КУНИ

***Тошкент вилоятида таълим тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар ойнинг биринчи пайшанбаси "Мактаблар ва боғчалар куни" деб белгиланди. Шу куни корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўз оталиғидаги муассасаларда бўлиб, таълим-тарбия жараёни билан яқиндан танишади, мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида амалий ёрдам кўрсатади.***

Шу билан бирга, вилоятда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганига қарамай, таълим тизимида ислоҳотни чуқурлаштириш борасида талай камчиликларга йўл қўйилаётир. Хусусан, Бекобод, Бўка, Оҳангарон, Қуйичирчиқ туманларида мактаб ва боғчаларнинг аҳволи жуда ачинарли. Бугунги кунда вилоят бўйича 30дан зиёд мактаб авария ҳолатида, 148 таси капитал таъмирга муҳтож, 321таси табиий газ, 192таси эса ичимлик сув билан таъминланмаган.

Мактаблар ва боғчалар кунидан кўзда тутилган асосий мақсад айнан ана шундай аҳволга барҳам бериш, таълим тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан иборатдир. Белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ энди йилига икки марта вилоятда умумхалқ ҳашари ўтказилади ва ундан тушган маблағ таълим муассасаларини таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига сарфланади.

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ





***Вилоятимизда, унинг туман ва шаҳарларида ҳар йили "Ташаббус" танловини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. У кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, энг яхши ишбилармонлар тажрибасини ўрганиб, уни оммалаштириш, харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, тадбиркорларнинг маҳоратини ва билимдонлигини ошириш, сафини кенгайтириш, энг яхши тадбиркор, фермер, ҳунармандни аниқлаш мақсадида ташкил этилмоқда.***




Танлов республикамиз Президентининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, уларга кенг имкониятлар ва имтиёзлар яратиб бериш юзасидан қўйган вазифани амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг энг муҳимларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг мазмуни тобора бойиб бормоқда.

Шу йилнинг 30 март куни Олмалиқда Тошкент вилояти ҳокими соврини учун бўлиб ўтган вилоят "Ташаббус-2000" кўрик-танловида вилоятимиз шаҳар ва туманларида уюштирилган шундай тадбирда ғолибликни қўлга киритишга эришган тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар қатнашдилар. Танлов вилоятимизда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес юксалиб бораётганлигини, мулкдорлар синфи тобора кенгаяётганлигини кўрсатди.

Анъанага мувофиқ танлов бошланишидан олдин у ўтаётган "Металлург" маданият саройининг залларида кўргазма ташкил этилди. Унга қўйилган маҳсулотлар орасида тадбиркорлик тузилмаларида ишлаб чиқарилган энг оддий рўзғор буюмлари, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб мураккаб машина-механизмларгача бор эди. Намойиш қилинаётган бу маҳсулот намуналари кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмалари ишлаб чиқаришга замонавий техника воситалари ва илғор технология жараёнларини тобора изчил жорий қилаётганлигини ҳам кўрсатиб турарди.

Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳамидулла Асатов ушбу анжуманни очар экан, унинг иштирокчилари бўлган шаҳар ва туманлар "Ташаббус-2000" танлови ғолибларини табриклади, мазкур тадбир вилоятимизда тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантириш, мулкдорлар синфини яратишнинг янги-янги имкониятлари намойиш этаётганлигини таъкидлади. Ушбу танлов кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Танловнинг ҳар бир иштирокчиси сўзга чиқиб, ўзи раҳбарлик қилаётган тадбиркорлик тузилмаларининг барпо этилиши, фаолияти тажрибаси, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳажми ва турлари ҳақида қисқача ҳикоя қилиб бердилар, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Бундан ташқари, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ бўлган турли саволларга жавоб бериб, билим даражаларини ҳам намойиш қилдилар.

Шундай қилиб, уч йўналишда бўлиб ўтган беллашувнинг 2000 йил ғолиблари аниқланди. Танлов ҳайъати бунда жуда кўп томонларни ҳисобга олди.

Тадбиркорлар беллашувида Паркентдаги "BER AD" хусусий фирмасининг раҳбари Мираҳмад Одилов биринчи мукофотли ўринни эгаллади. "Қурбон ота" фермер хўжалиги раҳбари Қурбон Хўжаев вилоятнинг энг яхши фермери эканлигини намойиш этди. У Қибрай туманида саккиз йилдан бери самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу тумандаги "Ижод" хусусий корхонаси раҳбари Илёс Зокиров миллий нақш сирларини пухта эгаллаганлиги учун касбдошлари ўртасидаги беллашувда пешқадам бўлди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар.

Шунингдек, учала йўналишлар бўйича иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганлар аниқланди. Улар ҳам қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ.**

**Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ



***"МАСЛАҲАТЛИ тўй тарқамас" дейди доно халқимиз. Бу ҳаётий нақл деҳқончиликка ҳам бевосита тааллуқли. Чунки, йилдан йилнинг фарқи бор, деганларидек об-ҳаво, иқлим шароитлари ҳеч қачон айнан такрорланмайди.***

Жумладан, бу йилги вазиятда чигитни ҳар йилгидан барвақтроқ экиб олиш имконияти мавжуд. Қолаверса, ёғингарчилик кам бўлгани боис чигитни ернинг табиий намига ундириб олиш учун отни барвақтроқ қамчилаш зарурлигини ҳозирги шароитнинг ўзи тақазо этмоқда.

Бундай вазиятда етук мутахассис ҳамда кўпни кўрган тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиб иш кўрган маъқул. Яқинда Янгийўл туманидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалигида бўлиб ўтган кенгаш-машғулот ҳам шу мақсадда уюштирилди. Унда вилоят туманлари ҳокимликлари ҳамда қишлоқ ва сув хўжаликлари мутасадди раҳбарлари, хўжаликларнинг бошлиқлари ва мутахассислари иштирок этдилар. Кенгаш-машғулот давомида бу йил чигитни эрта ва қисқа муддатда экиб олиш имкониятлари ва омиллари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди, илғор тажрибалар оммалаштирилди.

Дарвоқе, вилоят миқёсидаги ушбу тадбирнинг айнан шу хўжаликда ўтказилгани бежиз эмас. Ўтган йилги мавсум бирмунча муваффақиятли якунланганидан ташқари, бу йилги чигит экиш мавсумига ҳам ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Чунки, хўжаликда техника воситалари, чизел ва боронолар етарли бўлгани боис пахта учун ажратилган 840 гектар майдон чигит экишга қисқа муддатда сифатли қилиб тайёрланди.

Аввалдан пухта созлаб қўйилган 15та сеялка дала бошига олиб чиқилган пайтда кекса пахтакорлардан Далибой ота Ҳакимов ва Абдуқаҳҳор ота Раҳматов дуога қўл очишиб, хўжалик пахтакорларига оқ фотиҳа бердилар. Ўн тўрт йилдан бери хўжаликнинг илғор бригадаларидан бирига раҳбарлик қилиб келаётган Олимжон Халимов бошлиқ пахтакорлар чигит экишни биринчи бўлиб бошлаб бердилар. Улар бу йил 73 гектар майдонга барака уруғи қадайдилар. Мақсадлари ҳосилдорликни 30 центнерга етказиб, давлатга 200 тоннадан зиёд сифатли хомашё етказиб беришдир. Айни кунларда бригаданинг тажрибали механизатори Комилжон Абдуваҳобов кунига 10–12 гектар майдонга чигит қадашга улгурмоқда.

Умуман, хўжалик бўйича ҳам чигит экиш қизғин паллага кирди. Кунига 90-100 гектар ерга уруғ қадалмоқда. Хўжаликда бу муҳим ишни узоғи билан ўн кун муддатда якунлаш мўлжалланмоқда.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ЎЗИ АРЗИМАЙДИ, ОВОРАГАРЧИЛИГИНИ АЙТИНГ

*Лукма*

***Бизнинг "Мурувват" ва "Саҳоват" уйларимиз давлат бюджетига қарашли масканлар бўлиб, меҳр-мурувват билан шуғулланади. Ҳа, хизматимиз хайрли. Ишимиз муайян даражада енгил бўлиши учун ихтиёримизга автотранспорт бериб қўйилган.***

Бунинг учун ҳар ойда 350-400 литр бензин ажратилади. У оз бўлса ҳам кунимизга яраб туради. Лекин шу ёнилғини олиш машаққати бизни кўп қийнайди, оворагарчилигини айтмайсизми?

Уни олиш учун биз ҳар ойда "Кучлукнефтмаҳсулотлари" деб аталмиш идорага мурожаат қилишимиз лозим. Бунинг учун гоҳида икки-уч кун вақт сарфлашга тўғри келади. Чунки, бу идора шаҳримиздан анча узоқда жойлашган. Ҳар гал борганимизда, ишларимиз дарров битевермайди. Нисбатан арзимаган бензин учун тонна-тонналаб оладиган мижозлар каби овора бўламиз, бирнеча хонага кириб қатор амалдорларга учрашамиз. Баъзан улар олдига қайта-қайта киришга мажбур бўламиз.

Аҳолига ёки ташкилот-корхоналарга хизмат кўрсатувчи соҳаларда муомала маданияти яхшиланиб бораётганлиги тобора кўпроқ сезилаётган бир вақтда "Кучлукнефтмаҳсулотлари" идорасида қўпол муносабат, тўрачилик, хизмат кўрсатишда мураккаблик "фазилатлари" кучаймоқда.

Бу ерда ҳам мижозлар билан ишлаш соддалаштирилса бўлмайдими? Албатта бўлади, бунинг учун эски даврдан мерос бўлиб қолган отангга бор, онангга бор қабилидаги иш услубларидан воз кечиш керак, деб ўйлаймиз.

Тўғрисини айтганда, бундай мулоҳаза бизда бирнеча йил илгари пайдо бўлган эди. Вақт ўтиши билан ишлар яхши изга тушар, деб ҳисоблаган эдик. Афсуски, ҳечқандай ўзгаришни сезмаяпмиз. Шунинг учун газета таҳририятига мурожаат қилишни лозим кўрдик. У орқали баён қилинган мулоҳазаларимиз инобатга олинади деб умид қиламиз.

**М. ҚЎЧҚОРОВА, Оҳангарондаги "Саҳоват" уйи директори,**
**А. ХУДОЙҚУЛОВ, Оҳангарондаги "Мурувват" уйи директори.**

# ЯНГИЙЎЛНИНГ ТАШАББУСКОР ФАХРИЙЛАРИ

## Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан "Нуронийлар" жамғармаси шаҳар бўлими қошида дўкон, сартарошлик, этикдўзлик, бешикчилик устахоналари очилди

Бу табиий бир ҳол. Инсон ёши улғайгач кўнгли тобора нозиклашиб, бир оғиз ширин сўздан олам-олам баҳра оладиган, салгина нохушликдан эса дили қаттиқ озор чекадиган бўлиб қолади. Умр йўлининг худди ана шу довонида одамга кўпроқ эътибор ва эъзоз керак.

Янгийўл шаҳар ҳокими Шуҳрат Қорабоев билан ана шу мавзуда суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, ҳокимлик кейинги йиллар ичида нуронийларга яратиб бераётган қулайликлар, кўрсатаётган ғамхўрликдан кўнглимиз тўлди.

– Бу борада Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорларини бажариш билан бирга, "Нуроний" жамғармаси шаҳар бўлимимизнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиляпмиз, – деди ҳоким. – Очиғини айтганда, жамғарма бошқарувидаги бой тажрибага, эга бўлган, тиниб-тинчимас кексалар томонидан тушаётган таклифлар кишини қувонтиради. Уларнинг мазмунида фахрийларнинг ўзлари тадбиркорлик йўли билан кам таъминланган оилалар, қаровчисиз қариялар, пенсионерларни қўшимча тарзда қўллаб-қувватлашга кўпроқ ҳисса қўшиш, хизмат борасида янада қулайликлар яратиш ниятида эканликлари тўғрисидаги истак ва мулоҳазалар акс этмоқда.

Дарҳақиқат, жамғарма фаолияти билан танишганимизда ўзимиз ҳам бунинг гувоҳи бўлдик. Бундан икки йил аввал унинг раҳбарлари нуронийларга алоҳида озиқ-овқат дўкони қуриш учун ер ажратиш тўғрисида шаҳар ҳокимига мурожаат қилган эдилар. Ариза тезда қондирилди. Кўп ўтмай "Мустақиллик" маҳалласининг энг кўркам жойларидан бирида савдо шоҳобчаси қад кўтарди. Жамғарма раиси Ҳайдарали Мамадалиев, ижрочи директори Гамлет Каримовлар "Вилоятсавдо" компанияси билан боғланиб бу жойда узлуксиз равишда саккиз хил озиқ-овқат маҳсулотлари сотилишини йўлга қўйдилар.

Янги бинони тиклашда ҳомийлик қилган "Ал-Мафтуна" фирмаси раҳбари Маъфура Қурбонова 5,5 мингдан зиёд уруш ва меҳнат фахрийларига, пенсионерларга "Махсус дўконга аъзолик варақаси" асосида намунали хизмат кўрсатмоқда.

– Дўконимиз очилгандан буён ҳали бирон марта маҳсулотлар билан таъминланишда қийинчилик бўлгани йўқ, – дейди маҳалла оқсоқоли Меливой Солиҳов. – Бунинг учун ҳаммамиз шаҳар ҳокимлиги, "Вилоятсавдо" раҳбарларидан беҳад мамнунмиз.

Жамғарманинг қад ростлашида "Сизнинг хизматингиздамиз", деб ном олган пенсионерлардан иборат ҳайдовчилар гуруҳининг ҳам ўз ўрни бор.

Бу жамоа "Нуроний" саъй-ҳаракати билан ташкил этилганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Лекин, ойига дурустгина даромад бера бошлади. Худди шундай хайрли қадамлар туфайли очилган сартарошлик, этикдўзлик, бешикчилик устахоналари, новвойхоналар тушумлари ҳам жамғармани бойитиб бормоқда.

Фахрийлар бошқаруви шаҳардаги турли корхоналар, ташкилотлар билан ҳамкорликни яқин йўлга қўйиб, ўзларига ҳомийлар топганлар. Отахонлар бу жойлардаги тадбирларга бош-қош бўладилар, саломатлик, маънавият, маърифат мавзуларида ўтадиган суҳбатларни ташкил этишга ёрдамлашадилар. Ёшлар билан ишлашдан толиқмайдилар. Ўз навбатида Республика Олий Мажлиси депутати Муҳаммаджон Худоёров, Хурсанали Азимов, Жўра Раҳимов, Турсун Исабоев, Ўткир Маҳмудов каби саховатли кишилар раҳбарлик қилаётган Янгийўл ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти, "Лаззат" қандолат ишлаб чиқариш фабрикаси, автобус таксопарки, китоб фабрикаси, "Ғиштинвест" заводи каби йирик корхоналар, шунингдек, Суннатилла Раҳимов бошқараётган хусусий қандолат фирмасининг жамоалари нуронийлардан ўз ёрдамларини аямаяптилар. Ўтган йили тадбиркорлик ҳамда 18та ҳомий корхона ва ташкилотлар қўллаб-қувватлаши туфайли, жамғарма 421 минг сўм даромад қилди. Бу эса ҳар бир байрам, йирик саналарда фахрийлар, ночор оилалар, ногиронларга мурувват кўрсатиш учун кенг имкон яратди.

Ана шундай тадбирлар чоғида нуронийлар озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа зарур буюмлар билан ҳам таъминланмоқдалар. Хусусан, 1999 йили беморларга 1,5 миллион сўмликдан кўпроқ дори-дармон бепул берилди. Бу йилги Наврўз айёмида эса 50 та кам таъминланган оилага 33 минг сўмлик совғалар улашилди.

Шуниси, қувончлики, шаҳарда тадбиркорлик эвазига ўзини моддий жиҳатдан тутиб олган ишбилармонлар ҳам кексаларга, умуман ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллалар аҳлига кўмак бермоқдалар. Халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва уларнинг савдоси бўйича фирма раҳбари Назира Мираҳмедова ана шундайлардан биридир. Бу саховатли аёл Наврўз тантаналарини ташкил этиб "Мезон" маҳалласи аҳли учун дастурхон ёзди. Кам таъминланган 27 оила фарзандларининг суннат тўйини ўтказди. Қарияларни совғалар билан йўқлади.

– Инсон фақат ўз манфаати ҳақида ўйлаши керак эмас, – дейди опа. – Элни ҳам ўйласа, айниқса, кексаларимизнинг дуосини олса, унга Аллоҳ етказаверади. Энг муҳими ҳаракатда гап кўп.

Чиндан ҳам шундай. Янгийўл шаҳрида нуронийларга мадад кўрсатишда ҳомийлар ҳам, лекин, энг муҳими фахрийларнинг ўзлари ҳам ҳаракатдалар. Шунинг учун жамғарма шаҳар бўлимининг фаолияти тобора кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Ҳамиша эъзоз ва эътиборда бўлган табаррук ёшдагилар эса Янгийўл шаҳрида юз бераётган ўзгаришларга, бунёдкорлик ва жамоат ишларига баҳоли қудрат кўмак бемоқдалар, уларда фаол иштирок этмоқдалар. Янгийўллик фахрийларнинг бу саъй-ҳаракатларидан ибрат олса арзийди.

**Саидвали ҲАСАНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати"нинг мухбири.**





**Суратларда: (юқоридан пастга) "Ишчилар шаҳарчаси" маҳалласида истиқомат қилувчи Адолат момо Адаматовани "Нуроний" жамғармаси шаҳар бўлимининг раиси Ҳайдарали Мамадалиев, маҳалла оқсоқоли Раҳматилла Ғоиповлар 118 ёшга тўлиши муносабати билан қутлашмоқда. Фахрийларга хизмат қилувчи бу махсус дўкон ҳамиша ўз харидорлари билан гавжум. "Олтинобод" маҳалласи оқсоқоли Мирсоли Мирғиёсов, "Нуроний" жамғармаси шаҳар бўлимининг ижрочи директори Гамлет Каримов, "Мезон" маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси, тадбиркор Назира Мираҳмедова, шу маҳалла оқсоқоли Абдусаттор Абдураҳмоновлар ташкилий ишларда доимо фаоллик кўрсатиб келмоқдалар.**

***Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.***



*Эртага Геологлар куни*

# ИЗЛАШАДИ, ОЧИШАДИ

***ГЕОЛОГ ер билимдони деган маънони билдиради. Бу ноёб касб эгалари мамлакатимизда фойдали қазилмаларни излаш, ўзлаштириш билан шуғулланадилар, уларнинг она-Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилдириш учун курашнинг олдида борадилар.***

Ёзнинг жазирама иссиқларида ҳам, қишнинг аёзли кунларида ҳам шундай хайрли ишлар билан шуғулланадилар. Конларнинг ҳажми, миқёслари, кўламларини аниқлайдилар, халқ хўжалиги учун аҳамиятини белгилайдилар. Бир сўз билан айтганда, барча катта-кичик конлар шу касб эгаларининг машаққатли меҳнатлари мевасидир.

Геологларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли вилоятимизда ҳам қатор конлар топилди ва уларда турли-туман бойликлар қазиб олинмоқда. Рангли ва камёб металлар, кўмир, мармар, гранит, оҳак ва бошқа кўплаб маҳсулотлар шулар жумласидандир. Геолог деган муқаддас ном шуҳратини баланд кўтараётган илмий ходимлар, бурғиловчилар, ҳандақчилар, у билан боғлиқ бўлган бошқа касб эгалари конларни топиб, уларни ўзлаштиришда жуда кўп ғайрат сарфлаганлар. Бу билан республикамиз минерал-хомашё базасини кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар, мустақил давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда фаол қатнашаяптилар.

Минерал хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми республикамиз ялпи миллий маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ташкил этиб турипти. Бундай ашёларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш миқёслари ва суръатлари тўхтовсиз ошиб боряпти. Аниқ қилинган ҳисоб-китобларга кўра мамлакатимизда қиймати бир триллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган фойдали қазилмалар заҳиралари бор. Тайёрланган хом ашё заҳираларининг ҳолати нафақат ишлаб турган кончилик корхоналарининг барқарор ишлашинигина эмас, балки бир қанча фойдали қазилмалар — олтин, уран, мис, қўрғошин, руҳ, кумуш, литий, калий тузларини қазиб олишни кўпайтириш имконини беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган бу соҳани юксалтиришга эътибор беқиёс кучайди. Конларни очиш ва ўзлаштириш бўйича ишда сифат ўзгаришлари юз берди. Айниқса, қатор чет эл мамлакатлари, шу жумладан, АҚШ, Япония, Канада, Олмония, Буюк Британия, Австралиядаги кончилик компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришнинг самараси салмоқли бўлмоқда. Шу туфайли конларни қазиш ва улардан фойдаланишда илғор технологияларни жорий қилиш узлуксиз кенгаймоқда.

Ўзбекистон геологлари ўзига хос мактаб яратганлар. Унинг бой тажрибаси чет эллик мутахассислар томонидан тан олиниб, юқори баҳоланяпти. Мустақиллик йилларида бошқа минтақалар қатори Тошкент хом ашё базаси ҳам кенгайтирилди. Қатор қимматбаҳо металларнинг янги заҳиралари очилди, ер ости сувлари, турли қурилиш ашёлари заҳиралари кўпайди. Республикамизда темир маъдани конлари борлиги маълум бўлди, айрим ер ости жинсларининг таркибида олмос мавжудлиги аниқланди.

Мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган толмас бу касб эгалари бизда ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Уларнинг меҳнати муносиб қадрланмоқда. Ҳар йили умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган Геологлар куни ҳам бунинг далилидир. Улар зиммаларига юклатилган масъулиятли ва айни вақтда шарафли вазифаларини муваффақиятли бажаришда, янги қазилма бойликлари конларини топишда омад ёр бўлишига тилакдошмиз.

**Собир МАҲМУДОВ.**

# МАҲСУЛОТИ ЦЕМЕНТ, ҲУДУДИ ЭСА БОҒ

***"Бекободцемент" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти эгаллаб турган ҳудуд 43,6 гектарни ташкил этади. Унинг 7,4 гектари кўкаламзорлаштирилган. Экологик вазиятни соғломлаштиришнинг бу муҳим омилига кейинги вақтларда катта эътибор бериляпти. Сўнгги икки йил ичида бундай ишлар 5,2 гектар майдонда амалга оширилди.***

Бу ерда минглаб мевали ва манзарали дарахтлар парвариш қилинмоқда. Гулзорлар барпо этилган. Айниқса, жамоанинг меҳри беҳига тушган. Корхона ҳудудига кўпчилик йўлкаларнинг икки четида шундай шифобахш дарахтлар мавж уриб ётади. Яна ўн мингта беҳи кўчатлари экиш режалаштирилган. Наврўз арафасида уларни ўтказишга киришилади. Бу корхонада кўкаламзорлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бир қисми, албатта. Дарахтзорлар, мевазорлар ва гулзорларни кўпайтириш юзасидан бошқа чора-тадбирларни кўриш ҳам назарда тутилган.

Акциядорлик жамиятида табиат мусаффолигини яхшилаш раҳбарликнинг диққат марказида турипти. Бош муҳандис муовини раҳбарлигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилган. Ҳаво ва сувнинг ифлосланишини назорат қилувчи махсус лаборатория ишлаб турипти. Унинг мутахассислари ҳар куни цехлар ва участкалардаги ҳаво ва сувдан намуна олиб, текширадилар. Ифлосланиш даражаси меъёрдагидан ошиб кетса, уни раҳбарликка маълум қилиб, зарур чоралар кўришни талаб қиладилар. Бундан ташқари, "Экология-ободонлаштириш" цехи ҳам барпо этилган. Унинг жамоаси кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларини олиб бормоқда.

*Экология ва саломатлик*

Жамият маъмурияти экологик вазиятни яхшилаш учун куч-маблағни аямаяпти. Ўтган йилги "Экология ва саломатлик кунлари" кўрик-танловида фаол иштирок этган корхона жамоаси унда яхши натижаларга эришди. Корхонада ишлаб чиқариш чиқиндилари, зарарли моддаларни ҳавога чиқариш сезиларли даражада камайди, оқаваларни тозалаш ишлари ҳажми кенгайди. Табиатни муҳофаза қилиш ишларига ўн миллион сўмдан ортиқ сармоя сарфланди.

Ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Ташландиқ ҳолда ётган 3 гектар ер чиқиндилар, тош-шағалдан тозаланди. Бу ерда 800та мевали дарахт кўчатлари ўтказилди, гулзорлар ташкил этилди, ишчи-хизматчилар учун турли сабзавотлар етиштирилмоқда. Жамият ҳудуди ва унинг атрофидаги аҳоли манзилгоҳлари маиший ахлатдан тозаланди. Жамоа ва аҳоли иштирокида ўтказилган ҳашарларда юзларча минг сўмлик иш бажарилди.

Корхонада ишчи-хизматчилар саломатлигини яхшилаш билан боғлиқ бўлган ишлар кўлами ҳам кенгаймоқда. Жисмоний тарбия-соғломлаштириш маркази доим цементчилар ва спорт ихлосмандлари билан гавжум. Бу ерда соғломлаштириш гуруҳлари мунтазам ишлаб турипти, волейбол, стол усти тенниси, таэквандо, бокс секциялари ташкил этилган. Айниқса, футбол бўйича 12та жамоа бор, уларда 150га яқин ёшу кекса қатнашяпти.

Ўтган йили Зоминнинг хушманзара жойида корхона жамоаси учун "Цементчи" пансионати очилди. Ҳар ҳафтада ўнлаб ишчи-хизматчилар бу ерга ташриф буюриб, мириқиб дам оладилар, саломатликларини мустаҳкамлайдилар. Жамиятга қарашли "Цементчи" болалар оромгоҳида ишчи-хизматчиларнинг 450-500 нафар фарзандлари ёзги таътилларини ўтказадилар. Жамоа ана шундай ибратли ишлари учун вилоятда ўтказилган "Экология ва саломатлик кунлари"да ғолибликни қўлга киритди.

Корхонада экологияни яхшилаш ва ходимлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни жорий йилда ҳам сусайтирмасдан олиб борилади. Шу мақсадда Япониянинг "ИТОЧУ" компанияси билан чанг тутқичларни янгилаш, қатор бошқа асбоб-ускуналарни замонавийлари билан алмаштириш юзасидан шартнома тузиш назарда тутиляпти.

*Анжумандан сўнг*

***Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Сарҳад билмас врачлар" Халқаро инсонпарварлик ташкилоти билан ҳамкорликда "Бутунжаҳон сил касалликларига қарши кураш куни"-га бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур ташкилот мамлакатимизда икки йилдан буён аниқ дастур асосида бу оғир дардга дучор бўлганларни даволашда фаоллик кўрсатмоқда.***

***Анжуманда ана шу дастурда кўзда тутилган мақсадлар, унга мувофиқ амалга оширилаётган ишлар, режалар хусусида гап борди. Махсус мухбиримиз конференциядан сўнг бу мулоқот масъулларидан айримлари билан суҳбатлашди.***

# «САРҲАД БИЛМАС ВРАЧЛАР» ТЕЗКОР ДАВОЛАЙДИ

**Иэн СМОЛЛ, "Сарҳад билмас врачлар" Халқаро ташкилотининг миссия раҳбари:**

– Ер юзида бу дардга етарли эътибор берилмаётгани, мавжуд дастурлар бажарилмай қолаётгани туфайли, касаллик бошқа юқумли хасталикларга қараганда жадал ўсиб, кўпгина кишиларнинг ёстиғини қуритмоқда. Мамлакатингизда силга чалиниш даражаси асосан Оролбўйи минтақасида юқори ҳисобланади. Шу боис, биз Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда "ДОТС ҳамма учун" дастуримизни расмий равишда жорий этдик. Унинг туб мақсади – аниқланган беморларни тезкорлик билан даволашдир. Бунда асосан микроскоп ёрдамида бемор балғами бир неча бор тиббий назоратдан ўтказилади, холос.

Дастур жаҳондаги 80дан ортиқ мамлакатларда силнинг янги кўринишлардаги ҳолатларини тежамкорлик билан даволаш борасида эътибор қозонди. Тадқиқотлар Ўзбекистонда бу хил муолажанинг қўлланилиши йилига 5 миллион доллар иқтисод қилиш имконини беришини кўрсатди.

Халқаро ташкилотимизнинг келгуси режалари – тезкор шифо усулини республиканинг бошқа минтақаларига ҳам жорий этишдан иборат.

**Марат ҲОЖИБЕКОВ, Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари:**

– Ўзбекистонда сил касалликларини даволашнинг тартибли тизими мавжуд. Республика сил касалликлари илмий-тадқиқот институти, вилоятлар, шаҳарларда махсус шифохоналар, қатор даволаш муассасаларида бўлимлар бу дардга қарши кураш ва унинг олдини олишга жалб этилган. Афсуски, амалий тадбирларга қарамай, хасталик ҳали чекинаётгани йўқ.

Силга қарши курашда "Сарҳад билмас врачлар" Халқаро ташкилотининг ёрдами катта бўлмоқда. Бундан буён ҳам ҳамкорлик давом этаверади. Зеро, ДОТС дастурида касаллик келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, янги кўринишларини таҳлил этиш, даволашни тўғри йўлга қўйиш, дорилар назорати, дори-дармонлар билан етарли таъминлаш каби халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти дастурида ўз аксини топган: муҳим омилларга қатъий риоя қилинган. Мазкур халқаро ташкилот беморларни даволашидан ташқари, кадрлар тайёрлашга катта ёрдам бериши хусусида ҳам келишиб олганмиз.

***Суҳбатдош Саид ВАЛИЕВ.***

# МИЛЛИОН СЎМИ МАҲАЛЛАЛАРДА ҚОЛДИ

ОЛМАЛИҚДА 41та маҳалла бўлиб, уларда 41 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Маҳалла қўмиталари барча ташкилий-тарбиявий ишлар қатори аҳолининг коммунал хизматларга ҳақ тўлашдаги қарзларини узишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Маҳалла қўмиталарининг аҳоли ўртасида олиб бораётган тушунтириш ишлари туфайли турли коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаш кўлами кенгайди. Бундан маҳаллалар аҳолиларининг ўзлари ҳам моддий манфаат кўрмоқдалар. Чунки, 38та маҳалла қўмитаси ихтиёрида тушган маблағдан салкам 1 миллион сўм қолдирилди.

Унинг ярмидан кўпроғи – 551,6 минг сўми кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида тарқатилди. Бу маблағ коммунал хизмат кўрсатган корхоналар ҳисобига тўловлар сифатида ўтказилди. Ўз-ўзини бошқариш органларининг бу соҳадаги фаолиятининг икки томонлама – аҳоли ҳамда коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарга нафи тегмоқда.

***Ҳамид СОБИРОВ.***

*Ажабо*

# ҲОКИМНИНГ ФАРМОЙИШИНИ КИМ БАЖАРАДИ?..

Ангрен шаҳрининг Оҳангарон кўчасида яшовчи аҳоли кейинги икки йил мобайнида бу кўча орқали тинимсиз ўтаётган юк машиналарининг сони кескин кўпайиб кетганлиги туфайли бир қатор муаммолар пайдо бўлгани, жумладан, машиналардан чиқаётган дуд ва заҳарли моддалар шу ҳудудда яшовчи аҳолининг соғлиғига таъсир қилаётганлиги, айниқса, бу кўчада сўнгги пайтда йўл-транспорт ҳодисалари кўпайиши натижасида одамлар, хусусан, болаларнинг ҳаётига хавф солаётганлиги тўғрисида Ангрен шаҳар ҳокимига мурожаат қилиб ушбу масалани ҳал этишда ёрдам сўраган эдилар.

Шаҳар ҳокимлиги муаммони ўрганиб, масалани ижобий ҳал этди. 1999 йилнинг 19 октябрь куни шаҳар ҳокими И. Асадов имзолаган "153-Ф" рақамли фармойишида Ангрен шаҳри ҳудудидан ўтувчи, ҳозирги кунда халқаро аҳамиятга эга бўлган А-373 йўли Оҳангарон кўчасида йилдан-йилга йўл-транспорт ҳодисаларининг кескин ортиб бориши ва бу йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ҳамда Оҳангарон кўчаси халқаро аҳамиятдаги йўл талабларига жавоб бермаслиги ва шу ҳудудда яшовчи фуқароларнинг ҳалқи норозиликларини инобатга олиб, Оҳангарон кўчасининг Навоий кўчаси чорраҳасидан Қорабоғсой кўчаси чорраҳасигача бўлган оралиқдан ҳар икки йўналиш бўйича юк автоуловлари ҳаракати таъқиқланиши ва уни таъқиқлаш учун тегишли йўл белгилари ўрнатилиши зарурлиги кўрсатилиб, мазкур кўрсатманинг бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш Янгиобод йўллардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи, шаҳар ИИБ ДАНБ бошлиғи ҳамда ҳоким муовини А. Қаюмовлар зиммасига юклатилганлиги таъкидлаб ўтилган.

Биз шундан кейин бу муаммо ўз ечимини топади, деб ишонган эдик. Афсуски, ҳали-ҳозир бизни ташвишга солиб келаётган масала ҳал қилинганича йўқ. Биз бу ҳақда Янгиобод йўллардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажараётган Қўчқор Маҳкамовга бир неча марта мурожаат қилдик. У шаҳар ҳокими кўрсатмасини бажариб, муаммони ҳал қилиш ўрнига бошини сарак-сарак қилиб, юқоридан қандайдир муҳим кўрсатма борлигини рўкач қилмоқда. Хуллас, бу кўчадан одамлар ҳаётига хавф солаётган транспорт қатнови ҳамон кечаю-кундуз давом этмоқда.

Қачонгача меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларида кўрсатилган камчиликларга бундай бефарқ қаралади? Энг қизиғи, Ангрен шаҳар ҳокимининг фармойишини ким бажаради? Шуни тушунолмай ҳайронмиз!

***Ангрен шаҳар Оҳангарон кўчасида яшовчи аҳоли номидан Т. ШЕРАЛИЕВ, Ш. ЭРГАШЕВА, К. БУРШТЕЙН ва бошқалар. (жами 30 имзо).***

*Ширкатнинг шарофати*

# НАВИ МОС, УРУҒЛИК САРА БЎЛСА...

***ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги "Гулистон" жамоа хўжалиги вилоятда биринчилардан бўлиб мулкчиликнинг ширкат усулига ўтгач, ишлар янада юришиб кетди. Чунки, бу ерда оила пудрати анча илгари жорий этилиб, сарф-харажатлар ҳар бир пудратчи учун алоҳида чек дафтарчалари орқали олиб борилиб, йил охирида уларнинг харажат ва даромадларини якуний ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилган.***

Бу эса, ҳар қайси пудратчига ўзи етиштирган маҳсулотининг ҳажми ва таннархига қараб аниқ даромад олиш имконини беради.

Қонуний ҳужжатлар асосида йўлга қўйилган оила пудрати усули айниқса, ғаллачиликда яхши самара бермоқда. Ҳар йили хўжаликда 1200 гектар майдонда ғалла етиштирилади. Ерлар 176 нафар пудратчига бўлиб берилган. Ўтган йили пудратчилар ҳар гектар ердан ўртача 44,6 центнердан буғдой ҳосили олдилар. Буни вилоят миқёсида энг юқори кўрсаткичлардан бири дейиш мумкин. Пудратчиларнинг моддий манфаатдорлиги амалда таъминланган жойда ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам юқори ва барқарор бўлиши тайин. Чунки, деҳқонлар нав танлашдан тортиб, ҳар бир агротехник тадбирни оби-тобида ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Хўжалик ғаллакорлари "Дмитро", "Унумли", "Купава" буғдой навларини бир неча йил синчиклаб синовдан ўтказдилар. Эндиликда асосий майдонларга фақат шу нав экилмоқда. Бундан ташқари хўжаликда уруғлик ғалланинг сифатига эътибор кучайтирилгани ҳам ҳар йили барқарор ҳосил олиш имконини бермоқда.

Бу йил пудратчилар камида 5500 тонна дон етиштириш, давлатга 3350 тонна ғалла сотишни режалаштирганлар. Бунга эришиш учун ҳозирги кунгача буғдой майсалари фосфорли, азотли ва калийли ўғитлар билан икки марта озиқлантирилди. Олтита "Нива" дон комбайнини ўрим-йиғим мавсумига тахт қилиб қўйиш чоралари кўрилмоқда. Дарвоқе, бу йил юқори ҳосилли буғдой навларидан 500 тонна донни саралаб, уруғлик учун асраб қўйишни мўлжаллашган. Зеро, уруғлик дон ўзларидан чиқса, ҳосил ишончли, даромад янада салмоқли бўлади.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

# БУГУН ОЛАМ КУЛАДИГАН КУН

*Ўнта тухумни кучини олишни истайсизми? Умрингиз узоқ бўлишиничи? Дунёни жуда ҳам гўзал кўргингиз келяптими? Одамларнинг сизга кулиб қарашини хоҳлайсизми? Ҳа, дейсизми? Билиб қўйинг, бунинг дориси бор: табассум!*

*"Чин юракдан куладиган одамдан бахтли киши бормикин?!" деган экан файласуф Дидро. Нега энди айнан 1 апрель куни кулишимиз керак деб ўйларсиз? Сабаби оддий: 1-апрель дунёнинг барча бурчагида енгил ҳазил-мутойиба, бир-бирини беозор ҳазиллар билан лақиллатиш, хуллас, кулги куни деб, норасмий бўлса ҳам, эътироф этилган. Биз ҳам бугун сизга жиндаккина яхши кайфият улашиш ниятида топган-тутганларимизни эътиборингизга тақдим этаяпмиз. Истагимиз — бугунги қувноқлик, яхши кайфият йил бўйи сизга ҳамроҳ бўлсин.*

*Қани, биродарлар кулгига марҳамат!*

## Хандалак хандалар

### ХОТИННИНГ ҲИСОБИ ЙЎҚ

Маст эр бир шаҳардан иккинчи шаҳардаги хотинига телефон қиляпти:

— Халқаро телефон станциясими? Мени хотиним билан улаб қўйинг.

— Хотинингизнинг номери неча?

— Нима мен сенга подшоманми? Хотиним номерланмаган.

### АЛАМ ҚИЛДИ

Кечаси келаётган эр-хотиннинг йўлини қуролланган безори тўсди:

— Қўлинги кўтар, пулдан чўз?

Эр ич чўнтагига қўлини тиқиб, тимрскиланиб, бор пулини олиб берди. Хотини шу пайтда шахд билан эрига шапалоқ тушириб қолди.

— Бу йўлтўсарга пул топилади, мен кўйлак оламан десам пулингиз йўқ бўлади.

### НОҚУЛАЙ ҲОЛАТ

Хотин эрига деди:

— Кеча чўкаётганимда, мени қутқариб қолган йигитни танидингми?

— Танидим. У кечаёқ келиб мендан кечирим сўраб кетган.

### КИМ БИЛСИН...

— Дугонажон, эринг ҳеч бўлмаса бир марта уйингга келмасдан қолганми?

— Ҳа, бир гал шунақа бўлувди, бундан беш йил олдин кечқурун чиқиб кетганча ҳали ҳам дараги йўқ. Ким билсин, келиб қолар...

### ЁШ ПАРРАНДАШУНОС

Онаси:

— Мен ҳозир сенга лайлак тумшуғида олиб келган кичкина укангни кўрсатаман.

— Нима, ука кўрмабманми, — тўнғиллади бола. — Менга лайлакни кўрсатинг.

## МУСАҲҲИҲ ЯНГЛИШГАНДА

- Ранг кўр, бол сўр.
- Онасини кўриб, тузини ол.
- Бир ошам тошга етказсин.
- Бўш келибсиз?!
- Қора бошингга ўсма чикора.
- Трактор бир зумда ғириллади.
- Урилиш нуқтаси.
- Ёмоннинг бир қитиғи ортиқ.
- Вой, бўрим қуриди!
- Сизни иккала қизим билан яхши кўраман.

## "ИККИ" ОЛГАНЛАР ҲАМ АШУЛА АЙТЯПТИКУ...

*Дилкаш суҳбатлар*



Алишер Навоий номидаги Санъат саройидан чиқаётган одамларнинг оғзи қулоғида эди: "Бу галгисини боплабди!?" Бу Мирза деганлари жуда очилибдида". "Шукурни айтмайсанми, Шукурни. Оч қоламан дейдими-ей". Ўша кунлари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирзабек Холмедов билан учрашишнинг имкони бўлмади. Ниҳоят, уни телефонда излаб топдим. Ниятимни айтган эдим: "Ака, доим бирон ёққа отланганимда, йўлимни тўсасиз-а", деди. Ялиниб-ёлвориб, ярим соатгина муҳлат сўрадим...

**— Қизиқчилигингиз ўзингизга ёқадими, Мирзабек?**

— Баъзида ҳа, баъзида йўқ. Кайфият очиқ бўлганда, жисми-жонинг соғ, бардам юрганингда жуда ёқади. Асабларинг бузилиб, ёқтирмаган одамларнинг даврасида бўлсанг қизиқчилик жуда малол келади.

**— "Замин юлдузлари" совринини олиб, волидаи муҳтарамангизга топширган эдингиз, эсингиздами? Нега шундай қилгандингиз?**

— Аввало мукофотларга жуда ўч эмасман. Бу муҳими эмас. Муҳими — нимаики мукофотга сазовор бўлаётган бўлсам, ҳаммаси онажонимники деб биламан. Ота меҳри нималигини билмай ўсганлар гапимни чуқур англаб олишади.

**— Шукурулло, Валижон сингари қизиқчиларни қаердан топгансиз?**

— Бундан беш йил олдин бир тўйда Валижонни учратиб қолганман. Гапвошлари жойида, қизиқчиликларни жуда олиб боряпти, одамларга ёқаяпти. Унга уйимга келгин, дедим. Янги театр тузмоқчиман, бирга ишлаймиз, деб таклиф қилдим. Беш йил олдин Қурбон ҳайити куни уйимга кириб келди. Шундан бери биргамиз. Шукурулло азал-азалдан ўзимиз билан томошаларда қатнашиб юрарди. Таркибда йўқ эди-ку, лекин чақириб турардик, келиб ролини ижро этиб кетарди. У ҳам театримизга жон деб аъзо бўлди. Уч йил олдин эса Озоджон келди, мусиқачи, қўшиқларни жуда ўринлатиб куйга солади. "Мирза" театри мана шу фидойилар билан тирик.

**— Кейинги пайтларда қўшиқлар ҳам айтаяпсиз. Бу дилингиздаги хоҳишми ёки томошабинларни жалб этишнинг бир йўлими?**

— Дилимдаги хоҳиш. Қолаверса, санъат институтида қўшиқ айтиб имтиҳондан "тўрт" баҳо олганман. "Икки" баҳо олганлар ҳам ашула айтиб юришибди-ку! Шеърларни ўзим ёзаман, мусиқаларига эътибор берган бўлсангиз, миллий. Яна бир томони ҳадеб қизиқчилик қилаверсангиз ҳам, томошабинларнинг кўнглига уриб қолади. Қўшиқ, жиддий монологлар аралашиб турса, ҳамиша одамларнинг эътиборида турасиз.

**— Биринчи томошангиз билан охирги "Бу ҳали, ҳали ҳолваси"нинг ўртасида ўн йиллик муддат бор. Шу томошалар кўнглингиздагидек чиқдими?**

— Биринчи "Шунчаки ҳазил" деган томошамиз 1981 йилда Ҳамза номли театрда бўлиб ўтганди. Ҳозиргиси эса мени, йигитларимизни нималарга эришганимизни намойиш этувчи кўзгу бўлди. Энг муҳими биз бугун мустаҳкам оёққа туриб олдик. Авваллари буни айтсак қандай бўларкин, бировга тегиб кетмасмикин, одамлар тўғри қабул қилишармикин, деб ўйлардик. Ҳозир унақа эмас. Етти ўлчаб бир кесадиган бўлиб қолганмиз. Нима қилаётганимизни, нима айтаётганимизни биламиз. Одамларга ёқадиган мавзуларни ҳам топа оламиз.

**— Қизиқчиликни кимлардан ўргангансиз?**

— Кулдириш менга болаликдан ҳамроҳ. Кулгига меҳрим жуда баланд. Авваллари кулгу билан одамларни ўзимга қаратардим, уларнинг эътиборини тортардим, обрў олиш пайида бўлардим. Бора-бора кулгу касбимга айланди. Ўрганиш бобига келсак қўқонлик Муҳиддин Дарвешов, ўшлик Каримжон ака, наманганлик Рустам Ҳамроқуловларни ўзимга устоз деб биламан. Тўхтамурод Азизовдан кўп нарса ўргандим. Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошевларнинг биронта интермедиясини ўтказиб юборган эмасман. Жаҳон кулгу усталари бўлган Луи Де Фюнес, Чарли Чаплиннинг маҳорати ҳар қандай қизиқчига зўр мактаб. Хуллас, кулгуга ошно одамлар борки, барчасидан нимадир ўрганганман.

**— Театрда ишласангиз бўлмайдими?**

— Келажакда бир актёр театрини йўлга қўйиш ниятим бор. Худди Аркадий Райкинга ўхшаб. Ишонсангиз, ҳозир ҳам хорижда кўрсатсак арзигулик томошаларимиз бор. Бемалол шоуларда иштирок эта оламиз.

Бир актёр театри — бу менинг катта орзуим. Унда ижро этиладиган томошалар миниатюра ҳам эмас, интермедиялар ҳам эмас, ўзига хос ажойиб кўрик бўлмоғи керак. Бунинг учун зўр бир муаллиф топиб, бирга ишласам деган ниятим бор.

**— Агар сир бўлмаса, Мирзо театрининг режаларини билсак бўладими?**

— Э, режалар жуда катта. Бу йил, биласиз, "Соғлом авлод йили". Шунинг учун нафақат ўзимиз, балки саҳнага фарзандларимизни ҳам олиб чиқиш ниятимиз бор. Бу қачон бўлишини билмадим, ёзда, балки кузда, балки қишда амалга ошар, жуда катта томошага тайёргарлик кўраяпмиз. Насиб этса, ўшанда яна бир учрашамиз.

**— Мухлисларингизга улар вилоятимизда жуда ҳам кўп — нима тилаган бўлардингиз?**

— Турмуш сира ташвишсиз бўлмаган. Унинг икир-чикирлари, хунобгарчиликлари жуда кўп. Ҳар хил ҳолатга тушиб қолади киши. Инсон, барибир, қандай бўлмасин, бир-бирига икки оғиз илиқ сўз сўзлаши керак. Бир-бирининг юзидаги табассум юракдаги дардини, ташвишни аритади. Ниятим — одамлар бир-бирига меҳрибон бўлишсин, юракдан кулишсин, кулишни ўрганмоқчи бўлсалар, томошамизга келишсин!

***Темур УБАЙДУЛЛО суҳбатлашди.***

## ТОМОШАЛАРГА ИЗОҲЛАР

- "Олтин девор" — бозорчи хотин билан ношуд эр ўртасидаги ҳамён.
- "Санта Барбара" — ибтидоси ва интиҳоси йўқ океан.
- "Махсус эътибордаги зона" — ипподром бозори.
- "Ўлмас гарнизон" — хушёрхона.
- "Халоскорлик" — қайнонасидан қутулган куёвнинг шукронаси.
- "Маҳаллада дув-дув гап" — ҳомий хайриясининг оқсоқол томонидан ўзлаштирилиши.
- "Ё ҳаёт, ё мамот" — шу кунларда шифохонага даво истаб келган бемор.
- "Хотинимнинг эри" — ҳали-вери ҳал бўлмайдиган муаммо.
- "Куёвлар конкурси" — аёллар салтанатидаги энг нуфузли мусобақа.
- "Чимилдиқ" — бўйдоқ йигитлар тушадиган тўрқовоқ.
- "Совчига эр топилди" — ўз-ўзига хизматнинг бир тури.
- "Кобра" операцияси — уйдаги хотинни алдаб, чойхонага бориш усули.
- "Марду майдон" — қўшхотинли эркак.
- "Меҳробдан чаён" — газаксиз арок.

## МУСАВВИР ТАБАССУМИ



Изоҳнинг ҳожати йўқ.



— Сайёҳлар анҳорнинг нариги бетига ўтишмаган экан. Юр, ўша ёққа кетдик. Биздан ҳам из қолсин-да.



— Билиб қўй, агар тошни ўйингоҳнинг нариёғига отиб юборсанг, ўзинг топиб келасан.



— Яна озгина чида, оғайни, битай деб қолди.

***Абдурасул ҲАКИМОВ чизган суратлар.***

## "РОКФЕЛЛЕРНИНГ ҚУДАСИ"

**(Ғирт беъмани ҳажвия)**

Эру-хотин дастурхон устида бир-бирига қараб-қараб жимгина кечки таом тановул қилишарди. Табиатан шумроқ Маҳмуджон эндигина чойни хўпловдики, телефон устма-уст жаранглади. Ҳа-ҳа, жиринграмади, жаранглади. Кимёхон шошиб бориб дастакни кўтарди.

— Алло, эшитаман...

— Фалон, фалон номерми? — дастакдан қизнинг қўнғироқдек овози эшитилди.

— Нью-Йорк билан гаплашинг.

— Сизга экан, — деди Кимёхон энсаси қотиб.

— Тинчгина овқат егани ҳам қўйишмайди бу мегажинлар.

Маҳмуджон дастакни қулоғига тутиб ҳам эдики:

— Адажон, ада, — деган овоз эшитилди. Маҳмуджон шошиб қолди.

— Ўғлим, омонмисан? Хўш, ўқишларинг яхшими? Пулдан қийналмаяпсанми? Нью-Йоркда об-ҳаво қалай?

Кимёхоннинг фиғони фалакка чиқди: қанақа одам ўзи бу, қиз бола қўнғироқ қилса ҳам ўғлим дейди! У шартта Маҳмуджондан телефоннинг дастагини юлиб олди.

— Ҳов, оповси...

— Ойижон, — ўғлининг овози келди, — сизни бирам соғиндимки, айниқса, паловларингиз доим кўз олдимдан ўтиб туради.

Хуллас, эр-хотин бири олиб, бири қўйиб, анча суҳбатлашишди. Маҳмуджон ўғлига маслаҳатлар берган бўлди, кейин хайрлашди. Ўғли дастакни қўйгач, Кимёхонга бир қараб олдида, гапира кетди.

— Э, у қиз ҳам сен билан ўқийдими? Эй, бола, эсинг жойидами ўзи? Чельсига ҳам шунақа дейсанми. Сенга ишқибоз бўлса-ю, сен ноз қилсанг! Биласанми, у кимнинг қизи? Рокфеллер жанобларининг қизи-я! Омадингни ўз қўлинг билан бой берма бола. Дарров кечирим сўра. Нима деса айтганини қил. Хўпми? Шу ерда қоласан деса, қоламан деявер. Ажаб эмас, сен туфайли биз ҳам Американи бир кўриб келсак.

Кимёхоннинг қўлидан пиёласи тушиб кетди.

— Чалса? Ким чалса? Битта-яримта зўравон чалса-чалгандир-да...

— Э, чалса эмас, Чельси хоним. Ўғлингнинг бошига бахт қуши қўнай деб турибди. Тайёргарлигингни кўравер, Рокфеллернинг қудаси.

Анчадан кейин ичкаридан Кимёхоннинг зардаси эшитилди:

— Ўзи эркаклар бир ғалвани бошлаб қўйиб ётади биқинини қашлаб. Осиладиган дорингизни билиб осилмайсизми? Энди бир камим, Америкага ўнта тоғора кўтариб боришим қолувмиди?

Маҳмуджон мазза қилиб куларди.

***Турсун АБДУЛЛАЕВ.***

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

## "ДЎСТЛИК" ҒАЛАБАНИ САҚЛАБ ҚОЛОЛМАДИ

Ўзбекистон Республикаси тўққизинчи миллий чемпионатининг учинчи тур ўйинлари ўтказилди. Мамлакат чемпиони "Дўстлик "Андижон" меҳмони бўлди. Вакилларимиз биринчи бўлимда фаол ҳаракат қилиб, 1:0 ҳисобида олдинга чиқиб олдилар. Лекин андижонликлар учрашув тугашига уч дақиқа қолганда ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, майдон эгалари "Дўстлик" дарвозаси томон белгиланган ўн бир метрлик жарима тўпидан фойдалана олмадилар. "Дўстлик" бу учрашувда бир нечта асосий ўйинчиларсиз қатнашди. Чунки, асосий таркиб Тожикистондаги халқаро турнирда финалга чиққан "Дўстлик"чилар сафида ғалабани таъминлаш учун сафарга отланган эдилар.

Бекободнинг "Металлург" жамоаси ўз майдонида олий табақанинг янги вакили "Гулистон" жамоаси билан учрашиб, қийин ғалабани қўлга киритди. Биринчи бўлимда дарвозалар даҳлсиз қолган бўлса, иккинчи бўлимнинг ўн учинчи дақиқасида Ғайрат Одилов меҳмонлар дарвозасига ягона тўпни киритиб, ўз жамоаси ғалабасини таъминлади.

Қаршининг "Насаф" жамоаси яна бир вакилимиз Ангреннинг "Семурғ" жамоасини қабул қилди. 25-дақиқада майдон эгалари ҳисобни очишди ва 42-дақиқада ўн бир метрлик жарима тўпидан иккинчи тўпни киритишди. "Семурғ" ҳужумчиси Элдор Қосимов ягона тўп билан жавоб қайтарди.

"Нефтчи" жамоаси Чирчиқнинг "Кимёгар" футболчиларини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида йирик ғалабани қўлга киритди.

Термизда "Сурхон" – "Пахтакор" учрашуви ўтказилди. Биринчи бўлимда майдон эгалари ҳисобни очишга эришган бўлсалар, иккинчи бўлимда яна икки тўп йўлладилар ва очколарини 6тага етказиб, кучли олтиликдан жой олдилар.

Тошкентнинг "Трактор" жамоаси "Сўғдиёна"ни қабул қилди. Улар меҳмонлар дарвозасига 4та тўп киритиб, ўз дарвозаларидан битта тўп ўтказиб юбордилар. "Қизилқум" – "Навбаҳор" учрашувида наманганликлар майдон эгалари дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритиб, етти очко билан жадвалда учинчи ўринга кўтарилиб олдилар. "Бухоро" – "Темирйўлчи" учрашуви 2:0 ҳисобида якунланган бўлса, "Хоразм" – "Зарафшон" учрашуви 0:1 ҳисобида меҳмонлар ғалабаси билан тугади.

Жадвални "Насаф" ва "Трактор" жамоалари 9тадан очко билан бошқариб бормоқдалар. "Навбаҳор", "Дўстлик", "Металлург" жамоалари 7тадан очко тўплашган.

Навбатдаги тўртинчи тур учрашувлари бугун ўтказилади. Вилоятимиз жамоалари – "Металлург" ўз майдонида ўйнаса, "Дўстлик", "Кимёгар", "Семурғ" сафарда учрашув ўтказади. "Нефтчи" – "Дўстлик" учрашуви турнирнинг энг қизиқ беллашувларидан бири бўлиши кутилмоқда.

***Талъат ЮСУПОВ.***

## БЕШ ВАКИЛНИНГ ОЛТИ МЕДАЛИ

АРМРЕСТЛИНГ – қандай спорт тури эканлиги ҳақида кўпчилик мухлислар яхши тасаввурга эга бўлмасликлари мумкин. Аммо, Ўзбекистон вакиллари ушбу спорт тури бўйича ҳам халқаро беллашувларда олтин медалларни қўлга киритишни аллақачон бошлаб юборганлар.

Жумладан, 80 килограмм вазн тоифасида беллашувчи спортчимиз Умид Аҳмедов бугунги кунгача икки марта жаҳон чемпиони юксак унвонини олишга улгурган эди. Яқинда эса, Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида армрестлинг бўйича ўтказилган биринчи Осиё чемпионатида ҳам бир йўла иккита олтин медални қўлга киритиб, бу соҳада ўзининг энг кучли эканлигини яна бир карра исботлади.

Жаҳоннинг 12 мамлакатидан келган армрестлинг федерациялари мутахассислари 90 килограмм вазн тоифасида беллашган вакилимиз Амир Ўроқовнинг маҳоратини, айниқса, юқори баҳоладилар. У жаҳоннинг 250 нафар спортчиси ўртасида биринчи Осиё чемпиони олтин медалига сазовор бўлди. Яна бир дебютантимиз Мирзоҳид Шаропов ҳам 60 килограмм вазнлилар баҳсида чемпионликни қўлга киритди. Шунингдек, мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилган яна икки вакилимиз Игор Шишков ва Елена Шавроновалар ҳам бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Шундай қилиб, Осиё чемпионатида қатнашган беш нафар вакилимиз жами олтита медални қўлга киритишди. Бошқа бирорта жамоа бундай натижага эришгани йўқ. Ўзбекистон жамоаси мураббийси Қурбон Қонишевнинг таъкидлашига қараганда, армрестлингчиларимиз шу йил июнь ойида Истамбулда бўладиган Оврупо чемпионати ҳамда Американинг Виржиния штатида 26 сентябрдан 9 октябргача давом этадиган жаҳон чемпионатида ҳам шуҳрат шоҳсупасидан муносиб ўрин эгаллашларига шубҳа йўқ.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

*Картинг*

## "БУРГУТЧА" ШОВВОЗЛАРИ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар ва вилоят Марказий кенгашининг ташаббуси билан Тошкент бирлашган техника мактабининг "Роҳат" кўли ёнидаги ўқув-спорт базасида картинг бўйича спорт мусобақаларининг иккинчи босқичи ўтказилди.

Мусобақанинг биринчи босқичи "Ватанпарвар" ташкилотининг Собир Раҳимов тумани кенгаши совринлари учун ўтказилган бўлса, бу сафарги пойгаларда Сирғали тумани кенгаши совринлари қўйилди ва беллашувда эркаклар, хотин-қизлар, ёшлар, ўсмиринлар, ҳатто, болалар ҳам иштирок этишди.

Шу куни "Бургутча" классидаги машинани бошқарган энг кичик спортчи, Ҳамза спорт-техника клуби иштирокчиси, эндигина саккиз ёшга тўлган Валерия Силенко болалар ўртасида ўтказилган шахсий биринчилик мусобақаларида учинчи совринли ўринни эгаллади. Шунингдек, "Е" формула класси бўйича картинг машиналарида мусобақалашган вилоятимиз вакиллари Оҳангарон спорт-техника-клуби иштирокчиси Николай Мельничук – биринчи, Ангрен шаҳар автомактаби талабаси Владимир Ушека эса, иккинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Командалар биринчилиги мусобақаларида Ҳамза тумани спорт-техника клуби жамоаси биринчи, Фавқулодда ҳодисалар вазирлиги тизими жамоаси иккинчи, Сирғали тумани спорт-техника клуби қатнашчилари учинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар эгаси бўлдилар.

***Шавкат ҚУЛИБОЕВ.***

### Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 1–5 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг биринчи ярмида айрим худудларда вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 5–10 даража, кундуз кунлари эса 16–21 даража атрофида иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Мурожон Юсуповга падари бузруквори

**ТУРСУН АКА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-275. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тўлқин РАУПОВ. Адади 9.405 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.20. 1 2 3 4 5 6